


-вилоят ҳокимининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ташкилотлар, идоралар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ушбу қарор асосида ўз ишларини ташкиллаштирадилар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Эгамбердиев ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси бошлиғи Б.Хамраев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

 Ш.Абдурахмонов



ХОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

170131, Андижон шаҳри,
Абдурауф Фитрат номли кўча, 239.

170131, г. Андижан, ул. им. Абдурауфа
Фитрата, 239.

Тел.: 8 (374) 222-15-36, Факс: 222-14-18, <http://www.andijan.uz>, e-mail: [umumiy\(a\)andijan.uz](mailto:umumiy(a)andijan.uz)

01.12.16 № 441-қ

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 14 ноябрдаги
385-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 19 сентябрдаги “Мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 385-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 385-сонли қароридида белгиланган вазифалар раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан:

- Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 245-сонли ва 2005 йил 9 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатларидаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқиладиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 189-сонли қарорларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин;